

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ



УКАЗ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил “29” июнь

№ ПФ-5468

“ ” 20 г.

**Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини
такомиллаштириш концепцияси тўғрисида**

Солик юкини изчиллик билан камайтириш, солик солиш тизимини соддалаштириш ва солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, ўрганишлар натижалари мазкур соҳада бир маромда иктисадий ўсишга, ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни оширишга, соғлом ракобат муҳитини шакллантиришга, шунингдек, соликлар ва бошка мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлашга тўсқинлик қилаётган бир катор тизимли муаммоларни кўрсатди, хусусан:

биринчидан, умумбелгиланган соликларни тўловчилар учун солик юки даражасининг юқорилиги, шунингдек, солик солишининг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида соликларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солик юки даражасидаги фаркнинг сезиларлилиги;

иккинчидан, қўшилган қиймат солигини ундиришнинг самарасиз тизими, солик тўловчиларнинг айланма маблағларини жалб қиласидиган, шунингдек, истеъмол маҳсулотининг оралиқ ва якуний қиймати қимматлашишига олиб келадиган ҳамда йирик ва кичик бизнес ўртасидаги кооперациянинг ривожланишига тўсқинлик қиласидиган мажбурий тўловларнинг мавжудлиги;

учинчидан, солик тўловчилар томонидан ходимларнинг реал сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини яширишга олиб келувчи меҳнатга ҳақ тўлаш фонди солик ставкаларининг юқорилиги;

тўртинчидан, имтиёзларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимнинг мавжуд эмаслиги сабабли соғлом ракобатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи, хўжалик юритувчи субъектларни солик ва божхона, шу жумладан индивидуал хусусиятга эга бўлган имтиёзлар ҳисобига кўллаб-куватлаш амалиётининг кенг тарқалганлиги;

бешинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизmlарининг, электрон солик маъмуриятчилиги ҳамда солик назоратини амалга ошириш шакл ва услубларининг такомиллашмаганлиги;

олтинчидан, ўтказиладиган назорат тадбирларининг сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ва инсофли тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашишларни камайтиришга тўқсинглик қилувчи назорат фаолиятини амалга оширишда хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг аниқ тизими йўқлиги;

еттинчидан, маҳаллий солик ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва қийматини объектив аниклашнинг мавжуд эмаслиги.

Мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган солик юкини камайтириш ва солик солиш тизимини соддалаштириш, солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш вазифаларини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижалари ҳамда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва халқаро экспертларнинг тавсияларидан келиб чиқиб:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

иктисодиётга солик юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солик солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича соликларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солик юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш;

соликларни унификация қилиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солик солиш базасига эга бўлган соликларни бирлаштириш, солик ҳисботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцион харажатларни минималлаштириш;

макроиктисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш;

солик қонунчилигини соддалаштириш, солик муносабатлари соҳасида норматив-хукуқий хужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солик тўловчиларнинг хукуклари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;

солик солиш масалаларини тартибга соладиган ҳаволаки нормалар ва қонун ости хужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда, солик қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш, шу жумладан кодексда соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларининг миқдорларини белгилаш;

хорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режимни саклаб қолиш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва ишончли хукуқий ҳимоялаш;

солик назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан солик солиш обьектлари ҳамда солик тўловчиларни янада тўлиқ камраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлик операцияларга солик солиш тартибини жорий этиш.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида 2019 йил 1 январдан бошлаб:

а) **биринчидан**, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солик юки куйидагилар орқали камайтирилади:

барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдорида жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобвақларига йўналтириш. Бунда, айрим тоифадаги фуқароларнинг энг кам ойлик иш хакининг 4 баравари миқдоридаги даромадларини солик солишдан озод қилишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади;

фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадалларини бекор килиш;

пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар, устав жамғармаси (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ миқдори давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсга тегишли юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўловни 25 фоиз миқдорида белгилаш, шунингдек, бошқа юридик шахслар учун ушбу тўлов ставкасини 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтириш;

б) **иккинчидан**, оборот (тушум)дан соликларни оптималлаштирган ҳолда умумбелгиланган ва соддалаштирилган соликлар тўловчиларни соликқа тортиш, шунингдек, солик солишнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш мезонлари куйидагилар орқали такомиллаштирилади:

давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг обороти (тушуми)дан ундириладиган мажбурий ажратмаларни бекор килиш;

юридик шахслардан олинадиган фойда солиги ставкасини 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун – 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтириш, шунингдек, мобиъл алоқа хизмати кўрсатаётган юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) учун рентабеллик даражасидан келиб чиқиб улар учун қўшимча фойда солиги ҳисоблаш тартибини бекор килган ҳолда 14 фоиздан 20 фоизгача ошириш;

дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиги ставкасини 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш;

ўтган йил якунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган соликларни тўлашга ўтказиш. Бунда, йиллик оборот (тушум)нинг 1 миллиард сўм этиб белгиланган чегаравий миқдори 3 йилда камида бир марта кайта кўриб чиқилади;

барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан обороти (тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиги, ер солиги ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликни жорий этиш;

кўшимча фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини, шу жумладан роялти тўлашни жорий этиш орқали такомиллаштириш;

в) **учинчидан**, солик солишнинг соддалаштирилган тартиби бўйича солик тўловчиларга солик сиёсатини такомиллаштиришнинг салбий таъсирини камайтириш чоралари куйидагилар орқали амалга оширилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик ставкасини, бино ва иншоотлардан, шу жумладан илгари хусусийлаштирилган объектлардан самарасиз фойдаланаётган юридик шахслар учун оширилган ставкада солик ҳисоблаш тартибини сақлаб қолган ҳолда, 5 фоиздан 2 фоизга пасайтириш;

йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган солик тўловчилар учун оборотдан (тушумдан) соликни 4 фоиз микдордаги базавий ставкадан келиб чикиб ҳисоблаш ва тўлаш тартибини ҳамда қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлаш имкониятини белгилаш;

ягона ер солиғи тўловчилар учун солик солиш тартибини сақлаб қолиш.

г) **тўртинчидан**, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қуйидагилар орқали такомиллаштирилади:

кўшилган қиймат солиғини тўлиқ ҳисобга олиш тизимини жорий этиш, солик солиш базасини аниқлаштириш ва имтиёзлар сонини камайтириш, шунингдек, 2019 йил якуни бўйича мазкур солик ставкаси микдорини пасайтириш орқали қўшилган қиймат солиғининг 20 фоиз микдордаги амалдаги ставкасини сақлаб қолиш;

ҳозирги вақтда сотиб олинадиган асосий воситалар, курилиши тугалланмаган объектлар ва номоддий активлар нархига киритиладиган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш суммаларига киритиш хуқукини бериш;

тегишли тадбирларни молиялаштириш учун маблағларни республика бюджетига ўтказган ҳолда, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ҳар бир ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига ўрнатилган акциз ва йифимларни бирлаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиши мувофиқлаштириш ҳамда самарасиз солик ва божхона имтиёзлари ва преференцияларини бекор қилиш бўйича ишчи комиссиянинг янгилangan таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи комиссия (Б.Мавлонов):

бир ҳафта муддатда тегишли йўналишлар бўйича эксперт гурухлари фаолиятини, шу жумладан улар ишига соликка тортиш соҳасида амалий тажрибага эга эксперталар ва бизнес вакилларини жалб қилган ҳолда ташкил этсин;

2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда самарасиз солик ва божхона имтиёзлари ҳамда преференцияларини бекор қилиш, Ўзбекистон Республикасининг Солик ва Божхона кодексларига мувофиқ доимий амал қилувчи солик ҳамда божхона имтиёзларини тақдим этиш тартибини жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрланишини таъминласин;

2018 йил 1 декабрга қадар муддатда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, унинг кенг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш орқали Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлашда ва Ўзбекистон Республикаси солик тизимини ислоҳ қилишда техник жиҳатдан кўмаклашишини таъминлаш учун Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

а) солик мажбуриятларини бажарувчи солик тўловчилар маъмурий харажатларининг кескин ошишини олдини олишга қаратилган куйидагиларни назарда тутувчи комплекс тадбирларни тасдиқласин:

давлат солик хизмати органлари ходимлари ва солик тўловчиларнинг, шу жумладан қўшилган қиймат солиги ва юридик шахсларнинг фойда солигини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш бўйича малакасини ошириш;

солик ҳисботини соддалаштириш ва унинг автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритувчи дастурий маҳсулотлар билан интеграциялашувини таъминлаш;

солик маъмуриятчилигини, шу жумладан соликларни тўлаш даврийлигини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини;

пенсияларни ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳакининг персоналлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини жорий қилиш;

б) якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширишга рухсат этилган фаолият турлари танқидий кайта кўриб чиқилиши ва қисқартирилишини таъминласин;

в) маълумотлар базалари солик органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базасига интеграция қилинадиган давлат органлари ва ташкилотларининг рўйхатини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат солик қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда вазирлик ва идораларнинг соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланиладиган маълумотлар базаларининг ишончлилигини ўргансин ҳамда уларнинг ишончлилигини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Давлат солик қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда оммавий баҳолаш ўтказиш бўйича илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, юридик шахслар кўчмас мулкининг бозор кийматини аниқлаш механизмини жорий қилиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банки ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар муддатда стратегик режалаштириш ва прогнозлашнинг замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда ва мазкур Фармонда солик тизимини ислоҳ қилиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2019-2021 йилларга мўлжалланган асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозини ишлаб чиқиши таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – молия вазири Ж.А.Қўчкоров:

2019 йил учун бюджетномада ушбу Фармон билан белгиланган норма ва қоидаларни назарда тутсин;

2019 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тақдим этиш билан бир вақтда Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларининг 2020-2021 йилларга мўлжалланган ўрта муддатли бюджет йўналишларини киритсин;

2019-2021 йилларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ишлаб чиқиша хориждан жалб килинадиган маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган сарф-харажатларни инобатга олмаган ҳолда унинг мутаносиблигини таъминласин.

8. Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги раҳбарлари, шунингдек, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бюджет тизими бюджетларининг прогноз параметрлари бажарилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

9. Молия-бюджет интизомини мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон Республикаси бюджетининг баланслашган ижросини таъминлаш учун:

вазирликлар ва идоралар, ишончли бошқарувчилар, шунингдек, давлатнинг ишончли вакиллари 2019 йилдан бошлаб устав капиталидаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик бирлашмалари томонидан дивидендлар сўзсиз ҳисобланишини, шунингдек, амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ давлат унитар корхоналари томонидан уларнинг соф фойдасидан 30 фоиз миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда давлат мулки бўйича ижара тўловларининг минимал ставкаларини ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси соликлар ва бошка мажбурий тўловларнинг тўлиқ йигилишини, иш билан банд фукароларнинг максимал қонунийлаштирилишини ва иш ҳаки фондини кўпайтириши таъминлаш бўйича катъий чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан келишилган ҳолда икки ой муддатда маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат солик хизмати, молия ва бошқа органларнинг, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг аниқ босқичма-босқич ҳаракатларини ва қатъий жавобгарлигини назарда тутган ҳолда, солик солиш базасини кенгайтириш, бюджетга қўшимча тушум манбаларини аниқлаш, шунингдек, унинг мутаносиблигини ҳамда дефицит юзага келишига йўл қўймасликни таъминлаш бўйича туманлар ва шаҳарлар кесимида “Йўл хариталари”ни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш ишларини, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали тизимли равишда ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ҳисоб палатаси, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда солик тўловчиларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларига барҳам беришга, жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўламаганлиги учун жавобгарлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш бўйича таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш.Мирзиёев



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил “29” июндаги ПФ-5468-сон
Фармонига илова

**Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг янги таҳрирдаги
лойиҳасини ишлаб чиқиши мувофиқлаштириш ҳамда самарасиз
солик ва божхона имтиёzlари ва преференцияларини бекор қилиш
бўйича ишчи комиссиянинг янгиланган
таркиби**

- | | |
|--------------------|--|
| 1. Б.М.Мавлонов | – Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринbosари, ишчи комиссия раҳбари |
| 2. Д.Р.Ли | – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринbosари, ишчи комиссия раҳбарининг ўринbosари |
| 3. О.Б.Рустамов | – Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринbosари |
| 4. С.С.Сайдкаримов | – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринbosари |
| 5. Р.К.Давлетов | – Ўзбекистон Республикаси адлия вазири |
| 6. М.М.Мирзаев | – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринbosари |
| 7. А.Я.Хайдаров | – Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринbosари |
| 8. Б.А.Мусаев | – Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси раисининг биринчи ўринbosари |
| 9. Ж.О.Арипов | – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринbosари |
| 10. И.К.Жасимов | – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринbosари |
| 11. А.М.Мусаев | – Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими |
| 12. М.П.Оллоёров | – Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими |

Ишчи комиссия котибияти:

- | | |
|-------------------|---|
| 13. Ш.Ф.Озодзода | – Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими |
| 14. Л.М.Хисматова | – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг бошқарма бошлиғи |
| 15. Ж.Б.Нигматов | – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги ҳузуридаги Бюджет-солик тадқиқотлари институтининг директори |
| 16. Д.Ш.Султанов | – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги Давлат бюджети бош бошқармасининг бошлиғи |
| 17. Х.Б.Исматов | – Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси бош бошқармасининг бошлиғи, ишчи комиссия котиби |

Изоҳ: Ишчи комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушибу лавозимга янги тайинланган шахслар киритилади.